

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18453693>

Хатамов Тўлқин Тожиддинович

Ички ишлар вазирлиги кадрларининг амалдаги

Аннотация

Мақолада гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонун нормаларининг ривожланиш тарихи, бу жиноятларнинг тушунчаси ва турлари, уларни ўрганиш усуллари ва бу борадаги олимлар фикри, амалдаги миллий қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳамда уларни тартибга солувчи миллий ва халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, бу турдаги жиноятларнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

жиноий жавобгарлик, психотроп моддалар, гиёҳвандлик воситалар, аналоглар, препарат, контрабанда, гиёҳвандлик.

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШАЕМЫХ С ЦЕЛЬЮ ПЕРЕВОЗКИ НАРКОТИКОВ

Хатамов Тулқин Тожиддинович

*Действующий резерв кадров Министерства
внутренних дел, подполковник*

Аннотация

В статье анализируется история развития правовых норм, устанавливающих уголовную ответственность за преступления, совершаемые в целях незаконного оборота наркотических средств, понятие и виды этих преступлений, методы их изучения и мнения ученых по данному вопросу, пробелы в действующем национальном законодательстве и анализ национальных и международных нормативных правовых актов, их регламентирующих, а также теоретико-правовые аспекты данных видов преступлений.

Ключевые слова

уголовная ответственность, психотропные вещества, наркотические средства, аналоги, наркотик, контрабанда, наркомания.

THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF CRIMES COMMITTED FOR THE PURPOSE OF TRANSPORTING DRUGS

Khatamov Tulkin Tozhiddinovich

*Current reserve personnel of the Ministry of Internal Affairs,
lieutenant colonel*

Abstract

The article analyzes the history of the development of legal norms establishing criminal liability for crimes committed for the purpose of trafficking narcotic drugs, the concept and types of these crimes, methods of studying them and the opinions of scientists on this issue, gaps in current national legislation and an analysis of national and international regulatory legal acts regulating them, and theoretical and legal aspects of these types of crimes.

Keywords

criminal liability, psychotropic substances, narcotic drugs, analogues, drug, smuggling, drug addiction.

КИРИШ

Ҳозирги кунда республикамизда гиёҳвандликка қарши кураш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки гиёҳвандлик мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий илдизларига болта уради, миллатнинг генофондига жиддий путур етказди. Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар жамият ривожланишига тўсқинлик қилади, унинг ҳаётга энди кириб келаётган аъзоларини ўз домига тортишга уларни жисмоний, моддий қарам қилишга интилади.

Маълумки, Афғонистонда ишлаб чиқарилган героиннинг асосий қисми Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасидан яширинча, транзит юк шаклида Европанинг бошқа давлатларига контрабанда усулида ўтказилаётганлиги, унинг маълум қисми эса транзит давлатлар ҳудудида сотиш орқали гиёҳвандлар эҳтиёжини қондириш учун мазкур ҳудудда қолдирилиши, айниқса, ташвишли ҳолдир.

Мазкур муаммони олдини олиш ва баратараф этиш мақсадида Ўзбекистонда ҳам комплекс чора-тадбирлар белгиланган ва амалга оширилмоқда. Жумладан, 2024 йил 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий

таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-73-сон Фармони қабул қилинган.

“Сўнги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётганлиги, улар инсон омилисиз интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса ёшлар орасида осон тарқалаётганлиги масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини таъкидлаш” [5, Б. 2].

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонининг устувор мақсадларига эришиш, республикада гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан иммунитетни шакллантириш орқали генофондга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, гиёҳвандликка чалинган беморларни жаҳон тажрибаси асосида тиббийдаволаниш тизимини ташкил этиш учун “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиқларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий Стратегия” тасдиқланди ва унинг ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу мақолани тайёрлашда IMRAD усулидан фойдаланилди. Бунда, тегишли соҳадаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри ўрганилди, муҳокама қилинди ва таққосланди. Шунингдек, таҳлилда муаллифнинг субъектив фикрлари ҳам катта ўрин эгаллайди.

АСОСИЙ ҚИСМ (НАТИЖА ВА МУҲОКАМА)

Маълумки, психофаол моддалар турлари доимий равишда ноқонуний лабораторияларида синтез қилинмоқда. Афсуски, ваколатли органлар бундай моддаларнинг таркибини аниқлаш, хавфини тезда текшириш, уларни назорат қилинадиган моддалар рўйхатига қўша олиш имконига эга эмас.

Масалан, Брехипипразол (Рехулти) (*шизофренияни даволашда ва депрессияни даволашда қўшимча сифатида ишлатиладиган антипсихотик дори*), Карипразин (Врайлар) (*шизофрения ва биполяр бузилишларни даволаш учун ишлатилади*), Эскетамин (Справато) (*Даволашга чидамли депрессияни даволаш учун ишлатиладиган бурун спрейи*), Луматепероне (Каплюста) (*шизофренияни даволаш учун янги антипсихотик*), Суворехант (Белсомра) [9, Б. 1] (*орексин*

рецепторларига таъсир қилувчи уйқусизликни даволаш учун ишлатиладиган дори) каби психотроплар қонунчилигимизда ҳали таъқиқланмаган.

Ҳар бир модда турини аниқлаш, таркибини ўрганиш ва таъқиқланган моддалар рўйхатига қўшиш узоқ вақт талаб қилишини ҳисобга олиб, кўшлаб давлатлар миллий қонунчилигига (*жиноят кодекси*) гиёҳвандлик воситалари **аналоглари** деган тушунчани киритишмоқда. Яъни бунга кўра, гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари бу кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий бўлган моддалардир.

Гиёҳвандлик воситаларнинг аналоглари тушунчасининг ҳукукий жиҳатларини, уларнинг зарурий белгиларини ажратган ҳолда ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. А.В. Фёдоровнинг фикрича, аналогларнинг қуйидаги еттита зарурий белгилари ажратилади: 1. Келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар. 2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари рўйхатига киритилмаган назоратга олинадиган моддалар.

3. Назоратга олинадиган, рўйхатига киритилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи моддалар. 4. Кимёвий тузилишига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш моддалар. 5. Хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш моддалар.

6. Муомаласи таъқиқланган моддалар. 7. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари сифатида ўрнатилган тартибда белгиланадиган моддалар[10, Б. 3].

Фикримизча олимнинг бу ёндашуви тўғри бўлиб, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг аналогларини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонунчиликда ишлатиладиган бошқа бир қатор ўхшаш тушунчаларидан фарқлаш ҳамда уларни аналоглар мақомида мавжуд бўлишининг вақт оралиғини аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўз ортидан бошқа қора иллатларни ҳам етаклаб юрадиган гиёҳвандлик балосига қарши курашишда юртимизда мустаҳкам ҳукукий асослар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида гиёҳвандлик билан боғлиқ барча муносабатларни камраб олувчи ҳукукий нормалар билан тўлдирилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз 1995 йил февраль ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1961 йилдаги "Наркотик моддалар

тўғрисида”ги Ягона Конвенцияси, 1971 йилдаги “Психотроп моддалар тўғрисида”ги ҳамда 1988 йилдаги “Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияларига аъзо бўлган. Бундан ташқари, 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга зид равишда муомалада бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қарши жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, гиёҳвандлик билан боғлиқ муносабатларнинг қонуний мазмун ва моҳиятлари ёритиб берилди. Масалан, **гиёҳвандлик (наркотик) воситалари** — гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар.

Психотроп моддалар — психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

Прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар;

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

Препарат — моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси;

Гиёҳвандлик (наркомания) — гиёҳвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик;

Заҳарвандлик (таксикомания) — психотроп моддаларга, шунингдек дорилик хусусиятига эга бўлмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий, гиёҳвандлик воситаларга ўхшаш руҳиятга фаол таъсир этувчи моддаларга руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш деганда, уларни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган шарт ва тартибни бузган

холда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш тушунилади.

Миллий қонунчилигимизга кўра, Маъмурий ва жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилганда келиб чиқади. Мазкур қарорга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарори билан ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу қарорда республикаимиз ҳудудида муомаласи таъқиқланган гиёҳвандлик воситалари, республикаимиз ҳудудида муомаласи чекланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларнинг 3 хил даражаги миқдорлари, яъни *кўп бўлмаган, озгинадан кўп ва кўп миқдорлари* белгиланган[6, Б. 4-7]. Шунга кўра, Жиноят кодекси билан гиёҳвандлик воситалари ва прекурсорлар билан бир қаторда гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари билан боғлиқ жиноятлар ҳам таъқиб қилинади.

Жиноят Кодексининг XIX бобида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар белгиланган бўлиб, 270-276-моддаларни ўз ичига олади. Жумладан, **270-модда** (*Таъқиқланган экинларни етиштириш*), **271-модда** (*Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш*), **273-модда** (*Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа қаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш*), **274-модда** (*Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш*), **275-модда** (*Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш*), **276-модда** (*Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа қаракатлар*).

Ушбу жиноятлар субъектив томондан қасддан (ЖКнинг 275-моддасидаги жиноят эҳтиётсизлик оқасида ҳам содир этилиши мумкин) содир этилиб, жиноят содир этилгунга қадар 16 (ЖКнинг 271-моддасидаги жиноят субъекти 14) ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс мазкур жиноятнинг субъекти сифатида тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2017 йил 28 апрелдаги 12-сон қарори қабул қилинган бўлиб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишларини кўришда қонунлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, мазкур тоифа ишлар бўйича одил судлов сифатини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Хусусан, бу борадаги қонун нормалари юзасидан аниқ ва бир хил суд амалиётини қўллаш бўйича тушунтиришлар берилган. Масалан, Жиноят Кодексининг 273-моддаси [биринчи қисмида](#) назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозим. Бунда воситалар, моддалар, ўсимликлар шахс томонидан бевосита ёки бошқа (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида хабар бериш, шартлашилган жойга қўйиб кетиш) усулда амалга оширилиши мумкин.

Бир шахс томонидан бошқасига гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни инъекция (укол) қилиш, агар мазкур восита ёки модда истеъмолчининг ўзига тегишли бўлса ва инъекция унинг илтимосига кўра қилинган бўлса, қонунга ҳилоф равишда ўтказиш деб баҳоланиши мумкин эмас.

Шахснинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш учун ЖК [273-моддасининг](#) тегишли қисми билан жавобгарлик уларнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг [бешинчи қисми](#) билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК [273-моддасининг](#) бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларнинг фақат бир қисми ўтказилиб, қолган қисми кейинчалик суриштирув ёки дастлабки тергов давомида аниқланса, жавобгарлик қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ва қонунга ҳилоф равишда

сақлаш учун алоҳида-алоҳида (агар мазкур восита ва моддаларни ўтказишга нисбатан қасд аниқланмаган бўлса), уларнинг миқдорида боғлиқ равишда келиб чиқади[7, Б. 4].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПҚ-4438-сон [қарорига](#) мувофиқ 2019 йил 27 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги 818-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати ҳамда жиноий ҳаракатни таснифлашда кўп миқдор кўрсаткичлари тасдиқланди[8, Б. 2].

Мазкур қарорда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар * билан белгиланиб, улар фақат гиёҳвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддаларни сақлаш ва сотиш фаолияти учун лицензияга эга бўлган дорихоналар ва ижтимоий дорихоналар орқали улгуржи ва чакана реализация қилиниши (сотилиши) қайд қилинган.

Бундан ташқари, қуйидагилар кучли таъсир қилувчи моддаларга кириши белгиланган:

а) рўйхатда келтирилган моддаларнинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча ҳолатдаги тузлари;

рўйхатда келтирилган моддаларнинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча ҳолатдаги изомерлари;

рўйхатда келтирилган моддаларнинг оддий ва мураккаб эфирлари.

Бундай тузлар, изомерлар ва эфирлар учун жиноий ҳаракатни таснифлаш учун кўп миқдор кўрсаткичлари худди кучли таъсир қилувчи моддаларга қўлланиладиган кўрсаткичларга мос равишда белгиланади.

б) таркибида ушбу кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида келтирилган моддалардан бирортаси мавжуд бўлган барча дори шакллари, аралашмалар ва эритмалар, бунда дори шакли, аралашма ва эритмалар учун кўп миқдор кучли таъсир қилувчи модданинг кўп миқдори каби аниқланади, дори шакли, аралашмаси ва эритма учун энг кўп миқдори таъсир қилувчи модда ҳисоб-китоб қилинмасдан умумий миқдордан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси бўйича гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний

муомаласи бўйича ҳам бир қатор жинойт жавобгарликлар белгиланган. Жумладан Жиноят кодексининг 186³, 246, 251, 251¹, 251²-моддалари билан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жинойт таъқиб белгиланган.

ХУЛОСА

Юқоридагиларга асосан, қуйидаги хулосаларга келинди:

Гарчанд, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, нафақат гиёҳвандлик воситалари аналоглари, балки психотроп моддалар аналогларининг ҳам муомаласи таъқиқланган[4, Б.2] бўлса-да, Жиноят кодексимизда фақатгина гиёҳвандлик воситаларнинг аналоглари учун жавобгарлик назарда тутилган кўрсатилган бўлиб, психотроп моддаларнинг аналогларининг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик белгиланмай қолган.

Бу борада хорижий давлатларнинг жинойт қонунчилигини ўрганиш натижасида МДХ давлатларидан Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, Беларусь Республикаси, Болгария ва бошқа Европа давлатларида психотроп моддаларнинг аналоглари учун жавобгарлик белгиланганлиги аниқланди.

Шу нуқтаи назардан психотроп моддаларнинг аналоглари учун қонунчилигимизда жинойт таъқиб мавжуд бўлмас экан, гиёҳвандликка қарши кураш учун олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар ўзининг етарлича ижобий самарасини бермайди.

Фикримизча келгусида амалдаги Жиноят кодексига психотроп моддалари ва уларнинг аналогларини ноқонуний муомаласи учун жинойт жавобгарликни белгиловчи нормалар билан тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, бу соҳадаги жинойтларга етарлича қарши кураш олиб бориш учун соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳуқуқий тизимни ушбу ўзгаришларга мослашиши ва бундай жинойтларга қарши курашда замонавий воситалардан самарали фойдаланиши муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси –Адолат.Тошкент-2024;

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси-Адолат. Тошкент-2024;

3. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳукуқи. Махсус қисм. – Т.: Ўқитувчи, 2003;

4. 1999 йил 19 август. 813-I-сон Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” ги Қонунининг 5-моддаси 2-қисми;

5. 2024 йил 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-73-сон Фармони;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига 4-7-иловалар;

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 2017 йил 28 апрелдаги 12-сон қарорининг 21-банди;

8. 2019 йил 27 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида” ги 818-сонли қарори;

9. <https://ichgcp.net/ru/clinical-trials-registry/nct02054702>;

10. Расулев.А. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг предмети ҳақида”. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>. Special Issue – 05 (2022) / ISSN 2181-1415;

11. П.С.Федюкович. “Актуальные проблемы квалификации преступлений в сфере незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ”. диссертация. Толяти-2019;

12. Дубовская Е.Н. “Актуальные проблемы преступлений в сфере незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ”-Красноярск-2022.